

ЙИРИК ТИЛШУНОС ВА ТАРЖИМАШУНОС ОЛИМ

Профессор Абдузўхур Абдуазизов таваллудининг
80 йиллигига



Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, филология фанлари доктори, профессор Абдузўхур Абдуазизов илмий қарашлари кўлами ниҳоятда кенг олим эди. У ўз илмий фаолияти давомида нафақат инглиз ва ўзбек тиллари фонетикаси ва фонологияси, балки турли тизимдаги тилларнинг фонологик ва грамматик хусусиятларини қиёсий-типологик аснода ўрганиб йирик тадқиқотлар яратди. Олимнинг бу соҳада яратган "Умумий тилшунослик" (Тошкент, 1979), "Инглиз тилининг назарий фонетикаси" (Тошкент, 1986), "Тилшуносликка кириш" (Тошкент, 1999), "Ўзбек тили фонологияси ва морфологияси" (Тошкент, 1992), "Основные положения системной фонологии" (2013) каби қатор монография ва дарсликлари илм аҳлига манзур, олий ўқув юртлари учун зарурий кўлланма бўлиб келмоқда.

Профессор Абдузўхур Абдуазизов ўзбек таржимашунослиги ва ўзбек-европа адабий алоқалари равнақиға ҳам катта ҳисса қўшган фидойи олимлардан эди. Ёдимизда, ўтган асрнинг 70-80 йилларида хорижий европа тилларидан ўзбек тилига ва ўзбек тилидан чет тилларига таржима муаммоларига бағишланган қатор номзодлик диссертациялари ҳимоя қилинди. Собиқ иттифоқ ОАК талаби асосида рус тилида ёзилган бу тадқиқотларга илмий раҳбар бўлган Жуманиёз Шарипов, Маъсуд Расулий, Файбулла Саломов, Нинель Владиморова йирик таржимашунослар аслида инглиз, немис ва француз тилларини билмас эдилар. Бу кемтикни "ямоқлаш" мақсадида, ўша пайти рус тилшунос олимлари назарига тушган, хорижий тилларнинг билимдонлари Жамолиддин Бўронов, Абузўхур Абдуазизов, Мухторхон Умархўжаев, Сано Саидов сингари олимлар диссертацияларга илмий консултанлик ёки оппонентликка таклиф қилинарди. Ўзбек ва хорижий Европа адабиётидан яхши хабари бўлган профессор Абузўхур Абдуазизов ўша йиллардан таржима назарияси ва амалиёти муаммоларига бағишланган мақолалари билан вақтли матбуотда ва илмий анжуманларда фаол қатнашадиган бўлди. Айниқса, олимнинг ўзбек мумтоз адабиёти, хусусан ҳазрат Алишер Навоий ва Захриддин Муҳаммад Бобур меросининг Фарбий Европа ва АҚШда ўрганилиши, асарларининг инглиз тилига таржима қилиниши тарихини ёритувчи қизиқарли мақолалари "Ўзбекистон адабиёти ва санъати" газетасида мунтазам чоп этилиб келинди. Дарвоқе, домла ушбу газетада уюштирилган таржима назария ва таржима танқидига бағишланувчи "Таржима юксак санъат" давра суҳбатларида фаол иштирок қилар, долзарб масалаларни муҳоқамага олиб чиқарди. Унинг "....эндиликда аслиятдан таржима қилишга асосий эътиборни қаратмоқ керак. Бироқ, билвосита таржима амалиётидан ҳам воз кечиб бўлмайди", деган жўяли фикрлари ҳозир ҳам долзарблигича қолмоқда. Замонамизнинг моҳир таржимонлари борасида сўз кетганда, у таниқли сўз устаси Иброҳим Фафуровнинг таржимонлик маҳоратига тан берар ва унинг "Улисс" романи таржимасини қаҳрамонлик, дея таърифларди.

Сўнги йилларда устоз, муҳтарам Президентимизнинг "Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида" (2010й. 10 декабрь) - қароридан илҳомланиб ўзининг "Чет тили - дунёни билиш воситаси", "Тил билган - эл билади", "Тил билганга дунё кенг", "Тил билган кам бўлмайди", "Дунёни билиш воситаси" каби қатор мақолаларини матбуотда эълон қилди. Олим чет тилларни мукамал ўргатиш, тил билувчи ёш таржимон кадрларни тайёрлаш зарурати хусусида илмий анжуманларда куюниб сўзларди.

2014 йилнинг 30 январида ЎЗМУда ўтказилган "Таржимонлик: долзарб масалалар ва истиқболлар" республика анжуманида қилган оҳирги маърузаларида таржима назарияси ва амалиётидаги йўналишлар ҳақида фикр юритаркан, асосан икки йирик таржимашунос олим Р.О. Якобсон ҳамда И.А. Кашкин қарашларини лингвистик жиҳатдан кенг таҳлил қилиб берган эди.

Домла машҳур тилшунос олим Р.О. Якобсоннинг лингвистик таржима назариясини таҳлил қиларкан унинг "таржимага семиотик жиҳатдан қараб, белги тиллараро таржима қилинади ва сўзма-сўз таржима тил бирликларини алмаштириш, хусусан, бир тилдаги белгини бошқа тилдаги белги орқали бера билиш эканлигини" маъқуллаб, ўтганди.

Ёки, устоз ўз маърузасида таниқли таржимон ва таржимашунос олим И.А. Кашкиннинг "Таржима назариясига умумфилологик фан нуқтаи назаридан туриб ёндашмоқ зарур. Сабаби таржима тилшунослик ва адабиётшунослик илми қонуниятларига бўйсинади" деган фикрини маъқуллаб ўтганди.

Профессор Абузўхур Абдуазизов узоқ йиллар Ўзбекистон Жаҳон тиллари ва Ўзбекистон Миллий университетиде турли лавозимларда фаолият қўрсатиб келди, малакали илмий-педагог кадрлар тайёрлашда астойдил хизмат қилди. Ўзбек филология фани ривожига муносиб ҳисса қўшган профессор Абузўхур Абдуазизовнинг порлоқ хотираси илм аҳли қалбида абадий сақланиб қолажак.

Фойдаланилган адабиётлар:

-
1. Холбеков М. Тил илми билимдони (проф. А.Абдуазизов хотирасига)// Ўзбекистон адабиёти ва санъати, 2014. 22 август
 2. Абдуазизов А. Таржима назарияси ва амалиётидаги йўналишлар ҳақида // Таржимашунослик: долзарб масалалар ва истиқболлар. Тошкент: ЎЗМУ, 2014. 5-7 бетлар.
 3. Абдуазизов А. И.А. Кашкин-видный учёный и переводчик // Таржимашунослик долзарб масалалар ва истиқболлар.Тошкент: УзМУ, 2014, 7-9 бетлар.